

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОМУРОДОВА ШАҲНОЗА ҒАЙРАТОВНА

**ЧИМЁН-ЧОРВОҚ КУРОРТ-РЕКРЕАЦИЯ ЗОНАСИДА ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

11.00.01-Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шомуродова Шахноза Гайратовна

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туризмни
ривожлантиришнинг табиий географик асослари 3

Шомуродова Шахноза Гайратовна

Природно-географические основы развития туризма в
курортно-рекреационной зоне Чимган-Чарвак 21

Shomurodova Shahnoza Gayratovna

The natural geographical basis of tourism development in
the Chimgan-Charvak resort-recreational zone 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОМУРОДОВА ШАҲНОЗА ҒАЙРАТОВНА

**ЧИМЁН-ЧОРВОҚ КУРОРТ-РЕКРЕАЦИЯ ЗОНАСИДА ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ**

11.00.01-Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.PhD/Gr47 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашининг веб-саҳифанинг (www.nauka.nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Шавкат Мухамажанович
география фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Бахритдинов Баходир Арифович
география фанлари доктори, профессор

Якубжанова Шохсанам Тошканбоевна
география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “23” октябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99824) 246-53-21, факс: (+99824) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru (Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 71 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4- уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил « 9 » октябрда тарқатилди.
(2020 йил « 9 » октябрдаги 22- рақамли реестр баённомаси).



Н.И.Сабитова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

А.К.Уразбаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.д.

З.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO)нинг хулосасига кўра кейинги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасига давлатларнинг кўпроқ эътибор қаратиши сайёҳлар сонини охириги 30-40 йил ичида 70 млн дан 1,235 млрд кишига кўпайишига олиб келди. Мазкур ташкилотнинг ҳисоботида «сайёҳликнинг экотуризм, тоғ чанғи туризми, экстремал, зиёрат, гастрономик туризм каби турларини изчил ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор бериш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар, айниқса, туристик имкониятлари юқори бўлган тоғли ҳудудларда тоғ курорт зоналарини барпо этиш, ландшафт эстетикасини ва туристик объектларнинг экзотик кўринишини сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бўйича тадқиқотларни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, сўнгги пайтларда талаб ортиб бораётган экотуризм ва тоғ туризмининг ривожлантиришда алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар, ўзгармаган табиий ландшафтлар, табиат ёдгорликлари, ноёб табиий объектлардан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, курорт-рекреация зоналарида тоғ курорт зоналарини барпо этиш, туристлар учун меҳмон уйлари йўлга қўйиш ва табиий объектларда мавсумий рекреацион дам олиш ҳудудларини яратиш, ноёб табиий объектлардан фойдаланишда туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, экопарк ва эко-агротуристтик марказлар сонини кенгайтириш ҳамда бир ва кўп кунлик туристик маршрутларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Республикада туризм соҳасини ривожлантириш, туристик зоналар ҳамда тоғ туризми марказларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси чегараси доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”²ги Фармонида Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туризмни ривожлантириш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туризмни ривожлантиришга асос бўлувчи табиий географик омиллар ва объектларни аниқлаш, туристик ресурслари имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси чегараси доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ва 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий

¹<https://www.e-unwto.org/doi/pdf/>. UNWTO Annual report. 2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги ПФ-5273-сон “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони

чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар», V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм соҳасининг назарий масалалари, унинг барқарор ривожланиши, самарадорлигини ошириш йўналишлари, унинг географик жиҳатларини хорижлик ва республикамиз олимлари томонидан ўрганилган. Хорижий олимлардан Э.В.Галишева, Б.Д.Акимов, К.Н.Доллирий, М.Б.Биржаков, В.А.Квартальнов, В.С.Сенин, Т.Т.Христов, В.В.Храбовченко, мамлакатимизда иқтисодчилардан М.Қ.Пардаев, Р.Атабаев, И.С.Тухлиев, М.А.Ҳошимов, Б.Х.Тураев, М.М.Ҳошимова, З.И.Усмонова, О.Х.Хамидов кабилар шуғулланганлар. Географлардан А.С.Солиев, А.Н.Нигматов, М.Р.Усмонов, Н.Т.Шамуратова, Ш.Т.Якубжонова, Б.Х.Камолов кабилар илмий-тадқиқот олиб борганлар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқотлар режасининг ЧД-1/2019 рақамли “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик объектлари” мавзусидаги хўжалик шартномаси (2019 й.) ва ЁА-7-2 “Угом-Чоткол Давлат Миллий табиат боғининг ландшафтлари картасини яратиш” амалий тадқиқотлари грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик салоҳиятидан унумли фойдаланишнинг йўналишларини асослаш ва истиқболда ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг чегараларини аниқлаш;
зонанинг ички сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятини ўрганиш;

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик объектлари ва ресурслари, уларнинг салоҳиятини аниқлаш;

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик ресурслари ва объектларидан туризмда фойдаланишнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш;

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туристик маршрутларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туризмни ривожлантиришга асос бўлувчи табиий географик омиллар ва объектларни аниқлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини асослаш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда дала тадқиқот, картографик, аэрокосмик, ГИС технологиялари, лаборатория таҳлили, статистик, геоботаник, геоморфологик, социологик сўров, адабиётлар ва фонд материаллари билан ишлаш каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик объектлари ва ресурслари картаси яратилган ҳамда туристик маршрутлари (1 кунлик ва кўп кунлик) ишлаб чиқилган;

Чимён-Белдерсой ва Нанай тоғ курорт зоналарининг туризмга таъсир этувчи табиий географик омиллари (рельеф қиялиги ва парчаланганлиги, тоғ жинсларининг генетик турлари, ҳаво ҳарорати, ёғинлар, қор қоплами, оқар сувлар, табиий офатлар хавфсизлиги) аниқланган ва эко-агротуристлик лойиҳаси асосланган;

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида “Меҳмон уйлари”ни жойнинг тектоник тузилишини, табиий фавқулудда жараёнлардан хавфсизлигини ва ландшафт эстетикасини ҳисобга олиб жойлаштириш асосланган;

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги туристик объектлар ва ресурслар асосида тоғ туризми кластерлари ишлаб чиқилган;

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида таъбиот туризмни ташкил этишда муҳим бўлган доривор ўсимликларнинг тарқалишидаги хусусиятлари (баландлик минтақаланиши, ёнбағирлар экспозицияси, тоғ жинсларининг литологик ва кимёвий таркиби, ҳавзалар бўйича) аниқланган ва ўсимликларни етиштириш плантацияларини оқилона жойлаштириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг чегаралари ва координаталари аниқланган ва схематик картаси яратилган;

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасига ташриф буюрган сайёҳлар учун туристик маршрутлар ишлаб чиқилган ва туристик картаси яратилган;

ташкил қилинган меҳмон уйларида туристларга намунавий хизмат кўрсатиш дастури яратилган;

Чимён, Белдерсой, Нанай ва Амирсой каби курорт зоналарида табиий географик шароитни ҳисобга олиб туристик иншоотларни барпо қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Диссертация тадқиқоти натижалари ишончлилиги ““Чорвоқ” эркин туристик зона Дирекцияси” Давлат унитар корхонаси, Тошкент вилояти ва Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги Туризм департаменти маълумотлари ва Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида олиб борилган дала тадқиқотлари асосида бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган мавзули карталар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги,

натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туризмни ривожлантиришга асос бўлувчи табиий географик объектлар ва омилларини аниқлангани ҳамда улардан туризмда фойдаланишнинг табиий географик асослари очиб берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасидаги туристик объектларни ўрганиш, туристларни ушбу объектларга жалб қилиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, меҳмон уйлари ва тоғ курорт дам олиш зоналаридан фойдаланиш йўналишлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туризмни ривожлантиришнинг табиий географик асослари бўйича олинган натижалар асосида:

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик объектлари ва ресурслари картаси ҳамда ишлаб чиқилган туристик маршрутлари “Чорвоқ” эркин туристик зонасида туристик маршрутларни лойиҳалаш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 4 августдаги 02-16/3645-сон маълумотномаси). Натихада, Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси ва унинг ҳудудида жойлашган “Чорвоқ эркин туристик зонаси”нинг табиий ва иқлимий шароитларини ҳисобга олиб, қиш ва ёз ойларига мўлжалланган дам олиш жойларини яратишда, туристларни табиий туристик объектларга саёҳат қилиш ва туристик маршрутларини лойиҳалашда фойдаланиш имконини берган;

тоғ курорт зоналарида туризмни ташкил этишга таъсир этувчи табиий географик омилларни ва эко-агортурistik лойиҳасидан Чимён-Белдерсой ва Нанай ҳудудида тоғ курорт зоналарини барпо этиш лойиҳасини техник-иқтисодий асослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 4 августдаги 02-16/3645-сон маълумотномаси). Натихада, мазкур объектларнинг табиий географик, геологик, геоморфологик, иқлимий хусусиятларидан келиб чиқиб тоғ чанғи трассаларини ўтказиш, бино ва иншоотларни жойлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш имконини берган;

жойнинг тектоник тузилишини, табиий фавқулудда жараёнлардан хавфсизлигини ва ландшафт эстетикасини ҳисобга олиб “Меҳмон уйлари”ни жойлаштириш бўйича асосланган ишлари “Чорвоқ” эркин туристик зонасида сайёҳлар учун меҳмон уйларини ташкиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 4 августдаги 02-16/3645-сон маълумотномаси). Натихада, мазкур объектнинг табиий географик шароити ва туристик объектларидан келиб чиқиб “Меҳмон уйлари”ни ташкил этиш ва жойлаштириш, шунингдек, сайёҳ ва дам олувчиларга таклиф этиладиган намунавий туристик хизматларни

йўлга қўйиш, ҳудудда экотуризмни ривожлантириш имконини берган;

туристик объектлар ва ресурслар асосида ишлаб чиқилган тоғ туризми кластерларини ташкил этиш ва уларда туристик хизматларни йўлга қўйиш дастури “Чорвоқ” эркин туристик зонасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 4 августдаги 02-16/3645-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур объектнинг тоғ кластерларини ўзига хослиги ва табиий географик хусусиятларини эътиборга олиб, табиий объектларга мавсумий рекреацион дам олиш ҳудудларини яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишда тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий нуфузли журналда, шундан 1 таси Scopus базасида, 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда, туристлар учун “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик объектлари”, “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг фитогеографияси” номли қўлланмалар нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми - 167 саҳифадан иборат бўлиб, шундан матн қисми - 120 бет. Ишда - 5 та карта, 3 та расм, 20 та жадвал ва иловада 14 та жадваллар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Рекреация ва туризмнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рекреация ва туризм тушунчаларининг бир-биридан фарқи, уларнинг илмий-назарий асослари, шунингдек, олимлар томонидан олиб борилган рекреацион ва туристик тадқиқотларнинг таснифланиши ёритилган.

Туризмнинг бир қанча йўналишлари, жумладан, экотуризм, тоғ чанғи, гляциологик, гастрономик, спорт, этник туризм, спелеотуризм, табобат туризми каби турлари тадқиқот объектлари билан боғланган ҳолда

ёритилган. Шунингдек, табиий географик хусусиятига қараб табиат ёдгорликлари геологик-геоморфологик, ботаник, палеонтологик, астрономик ва ландшафт ёдгорликларига ажратилди. Уларнинг мазмун моҳияти очиб берилди ва таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси табиий географик шароитининг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти**» деб номланган иккинчи бобида Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси (ЧЧКРЗ)нинг географик чегаралари ва геодезик координаталари аниқланиб, табиий географик объектларга боғланган ҳолда чегара ўтказилди ва картага туширилди. Тадқиқот давомида зонанинг рельефи, геологик тузилиши, иқлими, дарё ва сойларининг туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятли томони очиб берилди.

Диссертациянинг «**Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туризмни ривожлантириш масалалари**» деб номланган учинчи бобида “Меҳмон уйлари”ни ташкил этиш, туристларга 3 кунлик намунавий туристик хизматлар кўрсатиш, 9 та тоғ туризми кластерлари, жумладан, Чимён-Чорвоқ, Белдерсой, Оқсоқота, Қоронқул, Угам (Хумсон), Чимбойлик, Оқтош, Писком, Умумрайон хўжалик дам олиш зоналарига ажратилди.

Оилавий меҳмон уйи (кейинги ўринларда меҳмон уйи деб аталади) деб – мазкур меҳмон уйида уй эгасининг оила аъзолари билан бирга яшаш тамойили бўйича бир вақтнинг ўзида 10 нафаргача ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ҳар бир яшовчи шахсга 3 м² ҳисобидан тўғри келадиган турар жой майдонига эга бўлган хусусий уй-жой ҳисобланади.

ЧЧКРЗнинг тоғ кластерларида туристик имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида ҳамда ҳудуднинг табиий географик шароитидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиладиган 11 та меҳмон уйлари қуйидаги (3.3-жадвал ва 1-расмга қаранг) ўз аксини топган.

3.3-жадвал

ЧЧКРЗда қишлоқлар кесимида меҳмон уйлари ташкил этиш режаси

№	Қишлоқлар номи	Меҳмон уйлари сони
1.	Майдонтоғ	9
2.	Писком	9
3.	Тепар	8
4.	Нанай	8
5.	Боғистон	4
6.	Бурчмулла	5
7.	Чимён	13
8.	Сижжак	4
9.	Хумсон	11
10.	Чимбойлик	3
11.	Оқтош	7
Меҳмон уйлари сони: 81 та		

Туристларга яратиладиган “Меҳмон уйлари”дан асосий мақсад уларни (81 та) ташкил этиш орқали мавсумда 150-170 дан ортиқ расмий иш ўринларини яратиш ҳамда хорижий сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида ташриф буюрувчи туристлар сонини 1,5-2 баробарга оширишдан иборат.

ЧЧКРЗда тоғ туризми кластерларини ривожлантиришни 2 босқичда ташкил этиш мумкин:

I. Туризмни амалга оширишда асосий туризм объектлари:

1. ЧЧКРЗдаги 574,6 минг гектардан ортиқ майдонни эгаллаган Угом-Чотқол Давлат Миллий табиат боғи ҳудудидаги ўрмонлардан фойдаланиш;

2. Угом, Писком, Чотқол, Кўксув тоғ тизмалари ва Чимён тоғидаги қоялар, музликлар, даралар, ғорлардан фойдаланиш;

3. Урунғач, Ихноч, Шауркўл, Бодак каби кўллар, Угам, Писком, Кўксув, Чотқол дарёлари ва 70 дан ортиқ сойлар, Нанай, Палтов, Қуласа, Каласанг каби шаршаралардан фойдаланиш;

4. Узумзор, ёнғоқзор, боғлар, доривор ўсимликлар плантацияси кабилардан фойдаланиш;

5. Асаларичилик (Чимбойлик, Чимён, Испай), йилқичилик (Чимбойлик, Чимён), туяқуш фермаларидан (Чимбойлик,), балиқ ови (Чорвоқ сув омбори, Писком, Угам, Кўксув, Чотқол дарёлари), кимиз тайёрлаш (Чимён, Чимбойлик) кабилардан фойдаланиш;

6. ЧЧКРЗдаги ов хўжаликлари ва тўқайлардан фойдаланиш;

7. Оқтош, Хумсонбулоқ, Хумсон, Чотқол, Юсуфхона, Ибн Сино, “Товоқсой” уруш ва меҳнат фахрийлари санаториялари, Ғунча, Қуёшли, Хумо, Чимён, Чотқол, Metallург каби болалар оромгоҳларидан фойдаланиш;

8. Меҳмон уйлари (Чимён, Хумсон, Майдонтол, Писком, Тепар, Нанай, Оқтош, Бурчмулла, Боғистон, Сижжак, Чимбойлик) фойдаланиш;

II. Туризмни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва белгиланган чора-тадбирлари: ЧЧКРЗдаги тоғ туризми кластерининг ўзига хослиги ва табиий географик хусусиятларига қараб қуйидаги 6 та ҳудуд бўйича туристик ишларни амалга ошириш мумкин:

- “Угом-Чотқол Давлат Миллий табиат боғи” ҳудуди;

- Чорвоқ оромгоҳи ҳудуди;

- Юсуфхона (Нанай, Яккатут ва Бурчмулла қишлоқлари) ҳудуди;

- Чимён ҳудуди;

- Белдерсой-Амирсой ҳудуди;


- Хумсон ҳудуди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ЧЧКРЗда 9 та тоғ туризми кластерлари, яъни Чимён-Чорвоқ, Белдерсой, Оқсоқота, Қоронкул, Угам (Хумсон), Чимбойлик, Оқтош, Писком, Умумрайон хўжалик дам олиш зоналарини ташкил этиш мумкин (2-расмга қаранг).

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида Кинжолқлар кесимида меҳмон уйлари ташкил этиш режаси

№	Зона номи	Кинжолқлар номи	Меҳмон уйлари сони
1	Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси	1. Майдонгоҳ	9
		2. Пеком	9
		3. Тешар	8
		4. Иллай	8
		5. Богвотон	4
		6. Бурудулла	5
		7. Чимён	13
		8. Сяжжак	4
		9. Хумсон	11
		10. Чиябойлик	3
		11. Октош	7

Меҳмон уйлари
жамли
сони: 81 та



“Меҳмон уйлари”


Оқилвий меҳмон уйи (кейинги ўришларда меҳмон уйи деб аташди) деб - мазкур меҳмон уйида уй эгасининг оқла аъёлари билан бирга яшаш таъовили бўйича бир вақтинг ўлкада 10 нафаргача таширф буюрувиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) омақтлашиш бўйича хизматлар кўрсатуви, шунингдек, ҳар бир яшовчи шахста 3 м2 хисобдан тўғри келадиган турар жой майдонига эга бўлган хусусий уй - жой ҳисобланади

“Қулайлашган натижа”

81 та “Меҳмон уйлари” ни ташкил этиш орқали мавсумда 150-170 дан ортик расмий иш ўришларини яратиш ҳамда хорижий сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида таширф буюрувчи сайёҳлар сонини 1,52 бароварга ошириш.



1-расм. Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг меҳмон уйлари жойлаштириш картаси



2-расм. Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг тоғ туризми кластерлари картаси

Диссертациянинг «**Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида туристик маршрутларни лойиҳалаш**» деб номланган тўртинчи бобида, келгусида ЧЧКРЗнинг Нанай қишлоғида қурилиши лозим бўлган дам олиш масканлари лойиҳалаштирилди (3-расмга қаранг). Шунингдек, сайёҳлар учун туристик объектларга бориш маршрутлари ишлаб чиқилди.


Лойиҳанинг мақсади: Қишлоқ хўжалиги, туризм ва агросаноатни уйғунлаштириб, сайёҳларга экопарк, экологик тоза ҳудудда жойлашадиган эко-агротуристтик дам олиш марказини яратиш ва ривожлантириш.

Лойиҳанинг вазифаси: Экопаркда туризмнинг замонавий турлари экологик тоза усулда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни билан туристларни таништириш.

Нанай қишлоғидаги эко-агротуристтик лойиҳани яратишда тоғ ёнбағирларининг қиялиги, морфологик ва морфометрик тузилиши, тоғдаги сурилма, кўчки, тоғ ўпирилишлари каби табиий географик жараёнлар инobatга олинган.

Тоғ ёнбағрида қурилиши лозим бўлган ушбу лойиҳа 3 хил рангда тасвирланган бўлиб, тоғнинг этагидан тоғнинг юқори қисмигача бўлган тоғ қиялиги эътиборга олинган ҳолда 3 гуруҳга бўлиб лойиҳалаштирилди.

Лойиҳадаги қиялиги 15° гача бўлган текис ёнбағир яшил рангда, 15° дан 25° гача бўлган ўртача қияликдаги ёнбағир кўк рангда, 25° дан 40° гача бўлган қияликдаги тик ёнбағир қизил рангда тасвирланган. Тоғнинг этагидан унинг юқори қисмигача ўтказилган қизил стрелка шатакка олинувчи осма йўл бўлиб, узунлиги 1200 м ни ташкил қилади. Бу йўл туристларни чанғи учиши учун энг қулай ва хавфсиз йўл ҳисобланади. Тоғ ёнбағридаги яшил рангли стрелка 200 м ли транспортёр лента йўли орқали туристлар трекингдан кенг фойдаланишлари, шунингдек, Писком тизмаси флора ва фаунаси, табиатининг хусусиятлари билан танишишлари инobatга олинган. *Экопаркда кўрсатиладиган хизматлар рўйхати:* Бир кунлик ва кўп кунлик дастурлар асосидаги қўшма турларини амалга ошириш ва бу жараёнда гидлар, инструктор-йўл бошчилар, экскурсоводлар ва шу каби мутахассисларнинг кенг доирадаги туристик хизматларини тақдим этиш режалаштирилган. Лойиҳада туристлар учун қуйидагилар режага киритилган, жумладан:



3-расм. Эко-агротуристтик марказ лойиҳаси

1. “Яшил қишлоқ”да Нанай қишлоғидаги экосайёҳлик пурвиқор тоғлар, дарё бўйида мириқиб дам олиш. Туристлар хоҳишига қараб видео ва фотосуръатларни тасвирга олиш уюштирилади. Дам олувчилар сайр қилиш рухсат этилган ҳудудда жойнинг фауна ва флорасини батафсил ўрганиш, балиқ ови, турли мевалар, кўзикаринлар теришдан завқланиш ва доривор ўсимликлар плантацияларини томоша қилиш имконига эга бўладилар.

2. Экстремал (фаол) сайёҳлик – сувда ва қуруқликда амалга ошириладиган фаол ҳордиқ чиқариш турларидан биридир. Улар қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин: альпинизм, қояларга чиқиш, тоғ дарёлари бўйлаб рафтинг, трекинг ҳамда пиёда ва от миниб, велосипед ҳайдаб, хушманзара даралар бўйлаб ўтган маршрутларда сайр қилиш, параплан ёки дельтапланда парвоз қилиш, ёз мавсумида квадроциклларда учиш, қиш мавсумида эса чанғи, сноубординг, чана кабиларда сайр қилиш.

ЧЧКРЗда сайёҳлар учун туристик маршрутларни яратиш саёҳатда қулай имконият яратиб беради. Бу эса ЧЧКРЗнинг тоғ тизмалари орасидаги

довонларда 2000 м дан 4000 м гача бўлган баландликларда саёҳат уюштириш имконини беради. Саёҳат қилган ҳар бир турист кузатувчиларидан то спортчиларнинг ўз имкониятларига қараб, табиий объектларга, масалан, табиий кўллар, сойлар, дарёлар, шаршараларда саёҳат қилиш ва маршрут танлашлари мумкин.

ЧЧКРЗда жойлашган табиий объектларга бориш учун туристик маршрутларни қуйидаги турларга бўлиш лозим:

➤ Дам олиш кунларидаги маршрутлар, 1-2 кунлик бўлиб, шаҳар аҳолиси учун қулай ҳисобланади. Бунда дам олувчилар, айниқса, ёз фаслида Чорвоқ сув омбори ва Юсуфхона дам олиш зоналарида, шаршара ва сой атрофларида хордиқ чиқаришлари мумкин;

➤ Кўп кунлик режалаштирилган маршрутлар, 3-4 кунлик бўлиб, асосан хориждан келган меҳмонлар учун қулай имкониятга эга. Бунда табиат ёдгорликлари ва Ғарбий Тяньшань тоғ сўқмоқлари бўйлаб треккинг, экстремал каби саёҳатлар уюштириш учун жуда қулай ҳисобланади;

➤ Кўп кунли давомийлик маршрутлар, 5-10 кунни ташкил қилиб, одатда альпинистлар учун қулай ҳисобланади. Улар тоғ спорти маросимлари ниҳоясига етгунча лагерларда чодирлар қуриб яшайди.

ЧЧКРЗнинг тоғли ҳудудларида жойлашган табиий объектларга ташриф буюрган туристлар оқимини асосан икки мавсумга – қишги ва ёзги, шунингдек, унчалик узоқ давом этмасда ўз хусусиятларига эга бўлган 2 та мавсум – баҳорги ва кузги мавсумларни ажратиш мумкин:

1) Қишги - тоғ чанғисида учиш ва ёзги – тоғ ландшафтларида сайр қилиш мавсуми. Қиш фаслида Чимён, Белдерсой, Амирсой дам олиш масканларида сноубординг, симли арқонда учиш, ёнатрофни оппоқ қорга бурканган табиат манзарасини кузатиш имконини беради. Ёз фаслида туристлар саёҳат давомида бу ердаги хушманзара ландшафтлар, табиат ёдгорликлари, арчазорлар, ёнғоқзорлар, тоғ қоялари, водийлардаги ва даралардаги дарахтзорлар билан танишадилар. Тоғ тизмаларидаги кўп йиллик қор ва музликларни, сурилмаларни, шаршараларни, кўлларни, қоятошларни, серостона сойларни параплан ва дельтапланда парвоз қилиб, юқоридан томоша қилиш имконини беради.

2). Баҳорги – сайллар ва кузги – боғлар, полиз экинлари майдонларига сайр қилиш мавсуми. Баҳор фаслида Боғистон, Чимбойлиқ, Чимён, Сижжак, Нанай қишлоқлари ва Писком, Угом, Чотқол тоғ ёнбағирлардаги хушманзара табиатнинг мусаффолиги, тоғ чўққиларида эрта баҳорда лолалар, турли хилдаги манзарали ва доривор ўсимликларнинг барқ уриб ўсиши маданий тадбирлар, шунингдек, “Сумалак”, “Лола ва Бойчечак”, “Миллий таомлар” сайлларини ўтказиш имконини беради.

Туристлар куз фаслида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан танишадилар. Айниқса, Сойлик, Оқтош ҳудудларида доривор ўсимликлар плантацияларини, тоғ ёнбағрида асаларичилик, Хумсон, Такаёнғоқ, Тепар, Бурчмулла, Нанай каби қишлоқларда боғдорчилик, Оқтош, Чимён қишлоқларида сабзавот экинларини томоша қилиш ва тоғ асалининг олиниш усуллари, Нанай қишлоғидаги ўзига хос узум навларини

етиштирилишини кузатиш зонада агротуризм ва табобат туризмини ривожлантириш имконини беради.

Туристтик объектларига ташриф буюрган сайёҳлар қуйидаги маршрутлар билан танишишлари мумкин:

Товоқсой шаршарасидан Хўжакент петроглифларигача (маршрут).
Маршрут узунлиги 46 км (4-расмга қаранг).

Товоқсой шаршараси → Озодбош (5 км) Чирчиқ дарёси → Искандар (3 км) Искандар канали → Паргос (2 км) Паргос ота зиёратгоҳи → Барраж (2 км) Оқсоқотасой → Ғазалкент (3 км) Мотамсаро она хотира ҳайкали, Байналминал хотира майдони, Машириқ Юнусов (Элбек), Ғазалкент шахристони → Қоронқул (8 км) Ёнтерак бува → Чимбойлиқ (10 км) Қайрағоч бува → Хўжакент қишлоғи (13 км) Қўргонтепа, Хўжакент петроглифлари.

Хўжакент қишлоғи яқинидаги Ализар тоғида Хўжакент петроглифлари тасвирланган ғорлар ва қоятошлар мавжуд. Мазкур петроглифлар 1900 йилларда топилган бўлиб, жами 100 га яқин тасвирлар акс эттирилган. Мазкур петроглифларда ов манзараси шимолга қараб чизилган. Расмларнинг деярли ҳаммаси бир-бирига ўхшаш ҳолатда тасвирланган. Расмлар турли ўлчамда бўлиб, энг йириклари 60 x 37 см га тенг. Баъзи расмлар ер юзасидан 20-25 см баландда тасвирланган. Агар тоғнинг пастки қисмига эътибор билан қаралса, номаълум чизмаларни кўриш мумкин.

Ализар тоғидаги карст жараёнлари натижасида ҳосил бўлган рельеф шакллари ва ер ёриқлари, ғорларнинг мавжудлиги, петроглифларнинг тасвири туристларни бефарқ қолдирмайди. Тоғдаги карст жараёнларнинг ҳосил бўлишидаги асосий сабаби қуйидагиларни ўз ичига олади:


1) Карстланувчи жинсларнинг, жумладан, оҳактош, мрамар ва даломитларнинг мавжудлиги;

2) Ёғин миқдорининг етарли даражада бўлиши;

3) Тоғ жинсларидаги дарзлар ва ёриқларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Шунингдек, бу очиқ карст жараёнлари ва ер ёриқлари кичик рельеф шакли бўлиб, оҳактошларнинг емирилишидан арранинг тишига ўхшаш қиррали тошларни ҳосил қилган. Одатда бундай карстлар бироз қия оҳактошли юзаларда пайдо бўлади. Карст жараёнлари натижасида ҳосил бўлган ғорларда қадимда одамлар яшаб кун кечирган. Буни ғорнинг оғзи ёнидаги қоятошга ва ғор кротларида тасвирланган расмлардан билиш мумкин. Ҳаттоки, ғорлардан озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун ҳам кенг фойдаланилган. Ализар тоғида ғорларнинг мавжудлиги спелеотуризмни ривожлантиришни йўлга қўйиш имконини беради.

ЧЧКРЗдаги Қоржантоғ, Угом, Писком ва Чотқол тоғ ёнбағирларида, Угам, Чотқол, Писком, Чирчиқ, Кўксув дарёлари ва сой ҳавзаларида шифобахшлик хусусиятига эга бўлган 200 дан ортиқ доривор ўсимликлардан, гиёҳлар, бута, яримбута кабилар кенг тарқалган.



4-расм. Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик объектлари ва маршрутлари картаси

Зонада доривор ўсимликларнинг 48% ёввойи ҳолда ўсадиган, 30% плантацияларда, 22% аралаш ҳолда ўсадиган ўсимликлардир. Доривор ўсимликлар тарқалишининг энг муҳим кўрсаткичлари уларнинг намлик ва ҳарорат режимига, ёнбағирлар экспозицияси, тоғ жинсларнинг кимёвий таркиби, шунингдек, тупроқнинг унумдорлик даражаси юқори бўлганлиги, сабабли Сойлик, Оқтош, Бурчмулла, Нанай, Боғистон, Писком ҳудудларида доривор ўсимликларни етиштириш ва плантацияларини ташкил қилиш натижасида туристлар учун табобат туризмни йўлга қўйиш имконини беради.

ХУЛОСА

Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида олиб борилган илмий тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни чиқаришга, тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишга имкон беради:

1. Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг яхлит ҳудуд кўринишидаги чегаралари аниқланиб, табиий географик объектларга боғланган ҳолда ўтказилди ва 1:300000 масштабда “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг табиий ва схематик картаси” тузилди. Ушбу картада зонанинг 27 та табиий географик объектлари туширилган бўлиб, улар геодезик (тригонометрик) пунктларга боғланган. Бу эса ташриф буюрган туристларга мобил алоқа воситалари орқали туристик объектлар ва туристик маршрутлардан фойдаланиш имконини беради;

2. Зонадаги туристик объектлар, хусусан 26 та табиат ёдгорликлари, 25 та археологик, 9 та тарихий, 26 та зиёратгоҳлар, 1 та архитектура, 4 та монументал ёдгорликларнинг туризмни ривожлантиришдаги имкониятлари, жумладан, шифобахш, термик ва минерал сувлар, хушманзара ландшафтлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг хилма-хиллиги ҳамда қулай иқлим шароитлари туфайли табиий туристик жиҳатлари ўрганилди ва 1:200000 масштабда “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик объектлари картаси” яратилди. Табиат ёдгорликларининг бугунги кунда туризм соҳасини ривожлантиришда фойдаланиш имкони катта. Шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар муҳим туристик ресурс бўлган ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг ноёб ва доривор турларини сақлаб қолиш имконини берувчи муҳим объектлар ҳисобланади;

3. Туристлик объектлар бўлган дарёлар, кўллар, шаршаралар, сой водийларида дам олиш ва даволаниш марказларини ташкил қилиш, туристик маршрутларни тўғри ташкил этиш ва режалаштириш каби туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятли томони ўрганилди. Шунингдек, 1:200000 масштабда “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг гидрографик картаси” яратилди. Зонадаги Чотқол, Писком, Чирчиқ ва Кўксув дарёлари, Гуликамсой, Харамзодасой, Палтовсойларнинг ёнбағирлари тик ва баланд бўлиб, қуйи қисмида бир неча террасалари бўлган кенг водийда чуқур ўзанда оқади. Мазкур дарёлардаги шаршаралар, серостона шарқироқ ўзанлар, саёз тошли қирғоқлар, қоятошлар рафтинг учун катта имконият яратади. Айниқса, қор ва музликларни, сурилмаларни, тоғ чўққиларининг қиррали

қоятошларини, антецедент водийларининг шаклланиш жараёнларини томоша қилиш дельтаплан, параплан, треккингни ривожлантириш имконини беради. Мазкур дарё ва сойлар бўйлаб саёхат қилиш ва кемпинг қуриб дам олиш, шунингдек, треккинг, экстремал каби туризмнинг йўналишларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ;

4. Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг асосий туризм объектлари бўлган Угом-Чотқол Давлат Миллий табиат боғи ҳудудидаги ўрмонлар, Угом, Писком, Чотқол, Кўксув тоғ тизмалари ва улардаги қоялар, музликлар, даралар, ғорлар, Урунғач, Ихноч, Шаурқўл, Бадак каби кўллар, Угам, Писком, Кўксув, Чотқол дарёлари ва 70 дан ортиқ сойлар, Нанай, Палтов, Қуласа, Каласанг каби шаршаралар, кўплаб узумзор, ёнғоқзор, боғлар, доривор ўсимликлар плантацияси, асаларичилик, йилқичилик, туяқуш фермалари, ов хўжаликлари ва тўқайлар, санаториялар, болалар оромгоҳлари, пансионатлар, тоғ чанғи спорт клуби, маданият ва спорт муассасаларидан самарали фойдаланиш борасида 9 та дам олиш ҳудудларини, яъни Чимён-Чорвоқ, Белдерсой, Оқсоқота, Қоронқул, Угам (Хумсон), Чимбойлиқ, Оқтош, Писком, Умумрайон хўжалик дам олиш зонасининг тоғ туризми кластерларини ташкил қилиш лозим;

5. Худуднинг 1:300000 масштабни “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг тоғ туризми кластерлари картаси” яратилди. Туристтик кластерларнинг узвий боғланган бўғини туристик ресурслар ҳисобланади. Шу боис тоғ туризми кластерларини лойиҳалашда туристик ресурслар билан бирга улардан фойдаланишга таъсир этувчи табиий географик омиллар ва шароитни инобатга олиб, Нанай қишлоғида тоғ-водий шамолларининг эсиб туриши ва Писком тизмаси ёнбағирларида қорнинг 6 ой давомида эримай туришидан фойдаланиб спорт лагери ва манзарали (панорамали) меҳмонхона қуриш, Юсуфхона ва Яккатут қишлоғи ўртасида эсаётган тоғ-водий ва бриз шамолдан фойдаланиб сёрфинг ва вейкбординг спорт турини ривожлантириш имконияти мавжуд;

6. Зонадаги 11 та қишлоқда, жумладан, Майдонтол, Писком, Тепар, Нанай, Боғистон, Бурчмулла, Чимён, Сижжак, Хумсон, Чимбойлиқ, Оқтош каби қишлоқларда жойнинг тектоник тузилиши, табиий фавқулодда жараёнлар хавфсизлиги ва ландшафт эстетикаси ҳамда худуднинг туристик объектлари, пансионатларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб “Меҳмон уйлари”ни жойлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 1:300000 масштабни “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасида меҳмон уйлари жойлаштириш картаси” яратилди. Меҳмон уйлари ташкил қилиш ва сайёҳларга 3 кунлик намунавий туристик хизматлар кўрсатиш, шунингдек, Чимбойлиқ, Чимён, Майдонтол МФЙ ҳудудида ташкил этиладиган меҳмон уйларига 2-кунлик саёхат графиги ишлаб чиқилди. Мазкур “Меҳмон уйлари”ни йўлга қўйиш орқали зонага ташриф буюрувчи туристлар сонини 1,5-2 баробарга ошириш, бунинг натижасида 150-170 дан ортиқ доимий иш ўринларини яратиш мумкин;

7. Туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаш борасида мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини яратиш, шунингдек,

Нанай қишлоғида қурилиши лозим бўлган ёшларга мўлжалланган хостеллар ва тематик паркларни, қиш ва ёз ойларига мўлжалланган эко-агротуристтик марказининг дам олиш масканлари лойиҳалаштирилди. Чимён-Белдерсой ва Нанай тоғ курорт зонасининг лойиҳасини ишлаб чиқишда туризмга таъсир этувчи табиий географик омиллари бўлган рельеф қиялиги ва парчаланганлиги, тоғ жинсларнинг генетик турлари, ҳаво ҳарорати, ёғинлар, қор қоплами, оқар сувлар, табиий офатлар хавфсизлиги, сурилма, кўчки, тоғ ўпирилишлари каби табиий географик жараёнлар ҳисобга олинди. Шунингдек, ички йўлларни қайта таъмирлаш, тоғ чанғи трассаларини ўтказиш, хиёбонлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали туристлар учун сайр қилиш ва ҳордиқ чиқариш имкониятини таъминлаш, ҳудуд атрофида дам олиш уйлари, дала ҳовлилар ва пляжларда дам олувчилар учун шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ;

8. Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасига ташриф буюрган сайёҳлар учун 1 кунлик ва кўп кунлик туристик маршрутлар ишлаб чиқилди ва 1:200000 масштаби “Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонасининг туристик объектлари ва маршрутлари картаси” яратилди. Саёҳат қилган ҳар бир турист кузатувчиси ҳамда спортчиларнинг ўз имкониятига қараб саёҳат қилиш ва маршрут танлаши мумкин;

9. Табобат туризмини ташкил этишда муҳим бўлган доривор ўсимликларнинг баландлик минтақаланиши, ёнбағирлар экспозицияси, тоғ жинсларининг литологик ва кимёвий таркиби, ҳавзалар бўйича тарқалиши аниқланди. Зонада учрайдиган 1800 турга яқин ўсимликлардан 200 дан ортиғи доривор ўсимликлар, 74 хили Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ўсимликлар ҳисобланади. Доривор ўсимликларнинг 48% ёввойи ҳолда ўсадиган, 30% плантацияларда, 22% аралаш ҳолда ўсадиган ўсимликлардир. Бугунги кунда доривор ўсимликларга бўлган талабнинг мунтазам равишда ошиб бориши ва бу талаб ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар ҳисобига қондирила олмаётгани, жумладан, сариқ андиз, ўлмас ўт (бўзоч), афсонак, газанда, қирқбўғим, дастарбош, мойчечак, зирк, наъматак каби ўсимликларни плантацияларда ўстиришни тақозо қилмоқда. Доривор ўсимликларни етиштириш плантацияларини Сойлик, Оқтош, Бурчмулла, Нанай, Боғистон, Писком ҳудудларида ташкил этиш лозим. Бу ердаги ўзига хос экологик шароит доривор ўсимликларнинг шифобахшлик хусусиятини ва таркибида оқсил, карбон сувлар, эфир мойлари, шунингдек, организмнинг ҳаёти, фаолияти учун жуда зарур бўлган микроэлементлар: темир, кальций, фосфор каби тузлар ва бошқа муҳим биологик фаол моддалар мавжуд. Юқорида номи келтирилган ҳудудларнинг ўзига хос иқлими ва табиий географик ўрни, доривор ўсимликларни шифобахшлик хусусиятини мавжудлиги туристлар учун табобат туризми, фаол тоғ туризми, агротиризм ва соғломлаштириш хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.2019.G.01.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ШОМУРОВОДА ШАХНОЗА ГАЙРАТОВНА

**ПРИРОДНО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В
КУРОРТНО-РЕКРЕАЦИОННОЙ ЗОНЕ ЧИМГАН-ЧАРВАК**

11.00.01-Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2018.1.PhD/Gr47.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (nauka@nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz.).

Научный руководитель:

Шарипов Шавкат Мухамажанович
кандидат географических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Бахритдинов Баходир Арифович
доктор географических наук, профессор

Якубжанова Шохсанам Тошканбоевна
доктор философии по географическим наукам (PhD)

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится « 23 » октября 2020 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (+99824) 246-53-21, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Национальный университет Узбекистана факультет Географии и природных ресурсов.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №71). Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская, 4. Национальный университет Узбекистана. Тел.: (+99871) 246-67-71. Узбекистана. Тел.: (+99871) 246-67-71.)

Автореферат диссертации разослан « 9 » октября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 22 от « 9 » октября 2020 года).



Н.И.Сабитова
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.г.н., профессор

А.К.Уразбаев
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.г.н.

З.Н.Тожиева
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По заключению Всемирной туристической организации (UNWTO) в последние годы, в результате особого внимания государств к сфере обслуживания, количество туристов за последние 30-40 лет с 70 млн увеличилось до 1,235 млрд человек. В отчете Всемирной туристической организации задача «уделить особое внимание последовательному развитию таких видов туризма, как экотуризм, горнолыжный туризм, экстремал, паломничество, гастрономический туризм».¹ Эти задачи требуют исследований, особенно в горных районах с высоким туристическим потенциалом, по созданию горных курортных зон, сохранению ландшафтной эстетики и экзотического облика туристических объектов и их рационального использования.

В мире отдается приоритете исследованиям в этой области, особенно рациональному использованию особо охраняемых территорий, неизменных природных ландшафтов, памятников природы, уникальных природных объектов в развитии экотуризма и горного туризма, которые в последнее время становятся все более популярными. Также считается очень важным строительство горных курортных зон, создание гостевых домов для туристов и создание сезонных рекреационных зон на природных объектах, разработка туристических маршрутов в использовании уникальных природных объектов, расширение количества экопарков и эко-агротуристических центров, а также разработка однодневных и многодневных туристических маршрутов для увеличения доли туристов в рекреационно-курортных зонах.

В Республике проводятся ряд реформ, направленных на развитие туристической отрасли, на организацию центров горного туризма, на повышение эффективности использования туристических зон, и уже достигнуто заметных положительных результатов. Указ Президента Республики Узбекистан от 5 декабря 2017 года № УП-5273 «О создании свободной туристской зоны «Чарвак»»² в пределах курортно-рекреационной зоны Чимган-Чарвак определены важные задачи по развитию туризма в курортно-рекреационной зоне Чимган-Чарвак. По поводу этого, являются очень важными научные исследования, направленные на выявление природно-географических факторов и объектов, составляющих основу для развития туризма в Чимган-Чарвакской курортно-рекреационной зоне, организацию своеобразных туристических маршрутов с учетом потенциала туристских ресурсов.

В определенной степени данная диссертационная работа направлена на реализацию задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 5 декабря 2017 года № УП-5273 «О создании свободной туристской зоны «Чарвак»» и в Указе Президента Республики Узбекистан от 3 февраля 2018 года № УП-5326 «О дополнительных организационных мерах по созданию

¹ <https://www.e-unwto.org/doi/pdf/. UNWTO>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 5 декабря 2017 года № УП-5273 «О создании свободной туристской зоны «Чарвак»»

благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2018 года № ПП-3514 «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма», а так же выполнение задач, изложенных в других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VIII. «Науки о Земле», V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

